

**“УЗУН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Сурхондарё вилояти,
Узун тумани, Жомий кўчаси -22 уй.**

2025-йил 10-июнь.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22 уй, “Узун пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **15:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **15:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **16:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 3 584 100 дона

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият Бош директорининг 2025-йил 10-майдаги 01-10/36-сонли таклифи инobatта олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2025-йил 16-майдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2025-йил 10-июнда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2025-йил 03-июнь.

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядори 1 893 375 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан тугатиш комиссияси раиси Исломов Акмал Ҳакимович иштирок этмоқда.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Исломов Акмал Ҳакимович-“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

2. Курбанов Шамситулла Аллаевич-жамият Кузатув кенгаши аъзоси-йиғилишда раислик қилувчи;

3. Қаюмов Махмуд Маннонович-жамият Кузатув кенгаши аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб Х.Ҳайдаров-жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси Х.Ҳайдаровга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2025-йил 03-июнь ҳолатига шакллантирилган “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 681 та акциядорга тегишли 3 584 100 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 870 550 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 3 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 80,09 фоизини ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

У.Омонов-жамият Бош директори;

Ў.Алиев-жамият Бош бухгалтери.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2024-йил якуни ва бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2024-йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторнинг 2024-йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2024-йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2024-йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2025-йил молия хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2025-йил учун мўлжалланган бизнес режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.
12. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
13. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2025-йил 25-февралдаги 17-сон йиғилиш баёнига (2 ва 3 иловалар) асосан активларнинг нархини кадам-бакадам пасайтириш.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21-апрель 2025-йилдаги “2025-йил учун Хусусийлаштириш дастури тўғриси”даги 70-сонли Фармониининг ижросини таъминлаш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилишнинг кун тартибидаги 14 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқадан вақт ажратилишини мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ш.Курбанов “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашининг 2025-йил 15-майдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси-Ҳайдаров Хайрулла Ботирович, жамиятнинг Бош

бухгалтери-Алиев Ўткир Асатиллаевич ва “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси Гулямов Нигматулло Кадиоровичларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2.Уч кишидан иборат куйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1).Ҳайдаров Хайрулла Ботирович;
- 2).Алиев Ўткир Асатиллаевич;
- 3).Гулямов Нигматулло Кадиорович.

3.Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта БХМ (базавий ҳисоблаш миқдори)нинг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият Бош директори У.Омонов сўзга чиқиб, 2024-йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (*ҳисобот 1-илова қилинади*).

Ҳисоботда, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш катнашчилари томонидан жамият Бош директорининг 2024-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори У.Омоновга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан Бош директорнинг 2024-йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамият Бош директорининг 2024-йилдаги фаолияти кониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамиятнинг Бош бухгалтери Ў.Алиевга берди. (*Ҳисобот 2-илова қилинади*)

Ў.Алиев йиғилиш иштирокчиларини 2024-йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи билан таништирди.

Ш.Курбанов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг 2024-йил якуни бўйича баланси ва молиявий натижалари (2-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Ў.Алиев сўзга чиқиб, “НІМОҲА FAIR” АТ МСНҲ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2024-йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2025-йил 27-майдаги аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш ишгирокчиларини таништирди (*хулоса 3-илова қилинади*).

“НІМОҲА FAIR” АТ МСНҲ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Узун пахта тозалаш” АЖнинг 2024-йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний аке эттиради.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан 2024-йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “НІМОҲА FAIR” АТ МСНҲ аудиторлик ташкилотининг 2025-йил 27-майдаги аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади.

1.“НІМОҲА FAIR” АТ МСНҲ аудиторлик ташкилотининг 2025-йил 27-майдаги аудиторлик текшируви хулосаси (3-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Х.Ҳайдаров сўзга чиқиб, йиғилиш катнашчиларига Кузатув кенгашининг 2024-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*ҳисобот 4-илова қилинади*).

Ҳисоботга асосан Кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган мажлислар, мажлисларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2024-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамият Кузатув кенгашининг 2024-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи (4-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ш.Курбанов сўзни жамият Бош директори У.Омоновга берди.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 278 437 500 сўм миқдорига тузилади ва 2025-йил 01-январь ҳолатига захира фонди 157 611 788 сўм, яъни устав капиталнинг 8,49 фоизини ташкил этади.

Жамият Уставида захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорига ажратмалар ўтказилиши белгиланган.

Жамиятнинг 2024-йил якуни бўйича 6 936 000 сўм соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилган.

-соф фойданинг 5 фоизи-346 800 сўми захира фондига йўналтириш;

-уставга кўра 2024-йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорига (акциянинг номинал қиймати 500 сўм* 15% = 75 сўмдан * 128 400 дона) жами 9 630 000 сўмни жамият томонидан чиқарилган 128 400 дона имтиёзли акцияларга дивиденд ажратилиши лозим;

-соф фойданинг қолган 95 фоизи, яъни 6 589 200 сўмни жамиятнинг имтиёзли акцияларига йўналтириш, ва имтиёзли акциялар учун етмай қолган 3 040 800 сўмни жамиятнинг захира фондидан ажратиш;

Шундан сўнг йиғилиш раиси ушбу масалага бюллетень орқали овоз беришни сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилади:

1.Жамият томонидан 2024-йил якуни бўйича олинган 6 936 000 сўм соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

-соф фойданинг 5 фоизи 346 800 сўм жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин;

-соф фойданинг қолган 95 фоизи, яъни 6 589 200 сўмни жамиятнинг имтиёзли акцияларига йўналтирилсин;

-имтиёзли акциялар учун етмай қолган 3 040 800 сўм жамиятнинг захира фондидан ажратилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, жамият Бош директори У.Омонов билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш масаласи бўйича йиғилиш катнашчиларига ўз фикрларини билдириб, Омонов Улугбек Шуқуруллаевични жамиятнинг навбатдаги йиғилишига қадар ўз вазифасида қолдириш бўйича таклиф киритди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради. Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги еттинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Узун пахта тозалаш” АЖ Бош директори Омонов Улуғбек Шукуруллаевич билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2025-йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор Омонов Улуғбек Шукуруллаевич билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати 2025-йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори У.Омоновга:

-ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

-“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш “Лойиха офиси” ҳамда “Сурхондарёпахтасаноат” ҚАБ АЖ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чикиб, жамиятда 2025-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш катнашчиларини таништирди (*Тижорат таклифлар 5-илова қилинади*)

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Таклиф қилинган хизмат нархи (минг сўм)
1	Great Fours МЧЖ	21.04.2025 № 14/2	4 000,0
2	“FINANCE-AC” АТ МЧЖ	22.04.2025 № 6/25	4 100,0
3	“HIMOYA FAIR” АТ МЧЖ	23.04.2025 № 6/25СФТТ	3 900,0

Муҳокама давомида жамият кузатув кенгаши аъзолари жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инobatга олган ҳолда, ташки аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан аввало малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдиришди.

Шундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларидан 2025-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кам миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“GREAT FOURS” МЧЖ

Аудиторлик текшируви бўйича:

“Еқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршиллар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

“FINANCE-AS” AT MCHJ

Аудиторлик текшируви бўйича:

“Ёқлаганлар”-йўқ; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

“HIMOYA FAIR” AT MCHJ

Аудиторлик текшируви бўйича:

“Ёқлаганлар”-йўқ; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.2025-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун “GREAT FOURS” MCHJ аудиторлик ташкilotи таилансин ва унинг хизматларига тўланадиган хакнинг миқдори 4 000 000 сўм қилиб белгилансин;

2.Жамият Бош директори У.Омоновга:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкilotлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва ҳулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамият Бош директори У.Омоновга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2025-йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш катнашчиларини таништирди (*Бизнес-режа б-илова қилинади*).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамиятнинг 2025-йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг 2025-йил учун мўлжалланган бизнес-режаси (6-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўз олди ва жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 893 375 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ ва жамиятнинг 68 250 дона акция эгаси Аннаев Ўқтам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан номзод сифатида:

Халбаев Тўрамурод Жайловович-Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Аграр соҳада хизмат кўрсатиш корхоналарини тугатиш лойиҳа офиси вакили;

Исломов Акмал Хакимович-“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

Кучкаров Тохир Мўминджанович-“Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиха офиси”, Бошкарма бошлиги;

Туропов Холмурод Норбоевич-“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

Гулямов Нигматулло Кадиорович-“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

Аннаев Ўктам Давлятович томонидан номзод сифатида:

Қаюмов Махмуд Маннонович-Сурхондарё “Депозитарий ВАКТ” МЧЖ директори;

Қодиров Ўткирбек Фоилович-“Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ Бош бухгалтери номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Халбаев Тўрамурод Жайлововичга:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Исломов Акмал Хакимовичга:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кучкаров Тохир Мўминджановичга:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Туропов Холмурод Норбоевичга:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Гулямов Нигматулло Кадиоровичга:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлар:

Қаюмов Махмуд Манноновичга:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Қодиров Ўткирбек Фоиловичга:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаришлар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан номзод сифатида кўрсатилган номзодлардан:

Халбаев Тўрамурад Жайловович-Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Аграр соҳада хизмат кўрсатиш корхоналарини тугатиш лойиҳа офиси вакили;

Исломов Акмал Хакимович-“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

Кучкаров Тохир Мўминджанович – «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш бўйича “Лойиҳа офиси”, Бошқарма бошлиғи;

Туропов Холмурад Норбоевич – “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

Гулямов Нигматулло Кадилович -“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

Аннаев Ўқтам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Қаюмов Махмуд Маннонович - Сурхондарё “Депозитарий ВАКТ” МЧЖ директори

Қодиров Ўткирбек Фоизилевич - “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ бош бухгалтери

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни Ў.Алиевга берди.

Ў.Алиев сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари бўйича қарздорлик таҳлилини ўтказувчи ишчи-гуруҳи томонидан тасдиқланган ҳулосасига асосан қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жами 9 та хўжлик юритувчи субъектларидан мавжуд 99 553.0 минг сўмлик кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришни таклиф қилди. *(Рўйхат 7-иловада тақдим этилади).*

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“*Ёқлаганлар*”-1 893 375 та овоз; “*Қаршиллар*”-977 175 та овоз; “*Бетарафлар*”-йўқ; “*Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар*”-йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари бўйича қарздорлик таҳлилини ўтказувчи ишчи-гуруҳи томонидан тасдиқланган ҳулосасига асосан қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жами 9 та хўжлик юритувчи субъектларидан мавжуд 99 553.0 минг сўмлик кредиторлик қарзларини (7-иловага мувофиқ) ҳисобдан чиқарилсин.

2.Жамият бухгалтерияси ҳисоботларига ушбу ҳисобдан чиқарилган кредиторлик қарздорликлари асосида тегишли ёзувлар киритилсин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов ўзининг маърузасида “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиҳа офисининг 2023-йил 22-майдаги SX-09/320-сонли хати билан тизимдаги пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари ижро органи ходимларининг штатлар жадвали лойиҳаси тавсия сифатида юборилганлиги ҳамда ушбу хат билан йиғилиш қатнашчиларини батафсил таништириб ўтди *(Штатлар жадвали 7-илова).*

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 870 550 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамият ходимларининг штатлар жадвали (8-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича Ш.Курбанов сўзга чиқиб, Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2025-йил 25-февралдаги 17-сон йиғилиш баёнига (2 ва 3 иловалар) асосан активларнинг нархини қадам-бақадам пасайтириш мажлис баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида юборилган хати билан йиғилиш қатнашчиларини батафсил таништириб ўтди (*давлат комиссиясининг 2025-йил 25-февралдаги 17-сон йиғилиш баёни 9-илова*).

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен оркали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-1 893 375 та овоз; “Қаршилар”-977 175 та овоз; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2025-йил 25-февралдаги 17-сон йиғилиш баёнига (2 ва 3 иловалар) асосан активларнинг нархини қадам-бақадам пасайтириш мажлис баёнининг ижроси (9-иловага мувофиқ) таъминлансин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21-апрель 2025-йилдаги “2025-йил учун Хусусийлаштириш дастури тўғриси”даги 70-сонли Фармони билан йиғилиш қатнашчиларини батафсил таништириб ўтди (*10-илова*).


Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен оркали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:


“Ёқлаганлар”-1 893 375 та овоз; “Қаршилар”-977 175 та овоз; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21-апрель 2025-йилдаги “2025-йил учун Хусусийлаштириш дастури тўғриси”даги 70-сонли Фармонининг ижроси (10-иловага мувофиқ) таъминлансин.

Йиғилишда раислик қилувчи:  Ш.Курбанов

Йиғилиш котиби:  Х.Хайдаров

Йиғилиш баённомаси 2025-йил “17” июнда  усхада тузилди.